



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MONOPOLIYAGA
QARSHI KURASHISH QO‘MITASI HUZURIDAGI
ISTE‘MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI

CONSUMER PROTECTION AGENCY
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN



100128, Toshkent sh., Labzak ko‘chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-46-00, Tel.: (998 71) 241-22-53
Ishonch telefoni: 1159, Sayt: consumer.uz, e-mail: info@consumer.uz, e-xat: consumer@exat.uz

“17” август 2021 й. № 02-06/3936

Рекламадан фойдаланувчилар, ижтимоий тармоқ фаол фойдаланувчилари

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябрдаги ПФ-5817-сон Фармони*).

Агентлик томонидан реклама ахборотларини тарқатишда (жойлаштиришда) амалдаги реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мослиги юзасидан ўрганиш ва таҳлил ишлари олиб борилмоқда.

Охирги пайтда савдо ташкилотлари томонидан савдони рағбатлантириш учун турли чегирмалар берилаётганлиги, акциялар ва ютуқли ўйинлар ташкил этилаётганлиги истеъмолчилар эътиборига тушмоқда.

Хусусан, оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда товар (маҳсулот), иш ва хизматларнинг реклама ахборотларида миждозларни жалб қилиш усулларида бири сифатида **кэшбэк** (“Cashback”) тизими ҳам кун сайин оммалашиб бормоқда.

“Cashback” (инглизча – нақд пулнинг қайтиб берилиши) миждозларни жалб қилиш ва садақатини оширишга қаратилган махсус бонус дастурларининг бир тури бўлиб, асосан интернет-савдолари, банк маҳсулотларида ва ўйин бизнесида қўлланади”.

Унинг асосий моҳияти янги миждозларни жалб қилиш ва садақат даражасини ошириш мақсадида турли бонус дастурларини тақдим этишдан иборат.

Бунда, кэшбэк орқали маълум фоиз пул харидор ихтиёрига қайтарилади ва у бу маблағни хоҳишига кўра тасарруф этиши мумкин. Анъанавий дисконт карталари ва чегирма тизимларида эса харидор келгусида фақатгина айнан шу сотувчи тақдим этадиган маҳсулот ва хизматларни харид қилиши мумкин.

Одатда товар (иш, хизматлар) рекламалари орқали тақдим этилаётган кэшбэк тизимининг ўзига хос шартлари бўлади ва истеъмолчилардан уларга амал қилиш сўралади.

Аксарият ҳолларда, товар (иш, хизматлар) реклама ахборотларида кэшбэк миқдори, муддатлари ва турлари тўғрисида аниқ, тўғри ва тушунарли бўлган маълумотларни тақдим этилмаслиги/яшириб кетиши натижасида истеъмолчиларни товар (иш, хизмат) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олишга доир ҳуқуқларини чеклаб қўйиши мумкин.

Дарҳақиқат, бу ҳолатга аниқлик киритиш орқали рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиш мумкин бўлган ҳолатларни олдини олишга эришилади.

Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига мувофиқ, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан қонунийлик, аниқлик, ишончлилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.

Шунингдек, ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланиб, бундай реклама тақиқланади (*13-модда*).

Юқоридагиларга асосан, Агентлик рекламадан фойдаланувчилар, ижтимоий тармоқ фаол фойдаланувчиларини кэшбэк (“Cashback”) тизими хизматидан фойдаланганда, унинг миқдори, муддатлари, турлари ва бошқа шартлари тўғрисидаги ахборотларни батафсил ўрганиб чиқишга, заруриятга кўра агентлик мутахассислари билан (1159 қисқа рақами орқали) маслаҳатлашган ҳолда қарор қабул қилишга чақиради.

Директор ўринбосари



А. Қурбонов